

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИКИШИ
№ 37 (1557)
20
ФЕВРАЛЬ
ШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «1959 йилда республикада чорвачиликни ривожлантиришнинг якуллари ва 1960 йилда олинган социалистик мажбуриятларни бажариш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети республикадаги кўпгина районлар, колхозлар ва совхозлар чорвачиликнинг озуқа базасини мустақамлаш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш натижасида гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл тери етиштиришни анча кўпайтиришга, барча турдаги моллар ва паррандалар сонини янада ўстиришга, шунингдек

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИДА

Чорвачиликни янада ривожлантириш учун

чорвачилик маҳсулдорлигининг барча турлари юзасидан ана шу маҳсулотларни давлатга топшириш ва сотиш йиллик планларини муддатидан ilgари бажаришга эришганликларини қайд қилди. Республика колхоз ва совхозлари етти йилликнинг биринчи йилида 1958 йилдагига нисбатан гўшт ва сут етиштиришни 17 процент, тухум етиштиришни 27 процент кўпайтирдилар. Йиллик қорақўл моллар сонини 13 процент, шў жумладан сугирлар сонини 16 процент, чўчқалар 35 процент, қўй ва эчкилар 2 процент, паррандалар 36 процент кўпайди. Ўтган йилда моллар наслини яхшилашда дастлабки ютуқларга эришилди, 122,3 минг сугир ва 2,950 минг қўй ва эчкилар сунъий равишда урчирилди.

Оржоникиде районидagi Свердлов номи колхоз чорвадорлари ишлаб юксак кўрсаткичларга эришиб, ҳар 100 гектар яроқли ер ҳисобидан 137 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут олдилар. Самарқанд районидagi 1-сон совхозда ҳар 100 гектар ер ҳисобидан 173 центнердан гўшт, шў жумладан 143 центнердан чўча гўшти етиштирилди.

Лекин, деб кўрсатилади қарорда, республикадаги кўпчилик колхоз ва совхозларда чорвачилик қилишда тармоғи бўлиб қолмоқда. Республика қишлоқ хўжалик министриги, кўпгина область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш билан чинакам шуғулланмадилар. Бунинг натижасида 1959 йилда гўшт, жун, тухум етиштириш юзасидан олинган мажбуриятларни областлардан бирортаси ҳам бажармади. Молларнинг қўйлаб қис қилини натижасида республиканинг колхоз ва совхозларида ўтган йилда қўйлаб ёш моллар олинмай қолди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министриги, кўпгина маҳаллий партия ва совет органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш билан чинакам шуғулланмадилар. Бунинг натижасида 1959 йилда гўшт, жун, тухум етиштириш юзасидан олинган мажбуриятларни областлардан бирортаси ҳам бажармади. Молларнинг қўйлаб қис қилини натижасида республиканинг колхоз ва совхозларида ўтган йилда қўйлаб ёш моллар олинмай қолди.

Ёш коммунистларни ғамхўрлик билан тарбиялайлик

Коммунистик партия кенг меҳнаткашлар оммасини КПСС XXI съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун курашга сафарбар этиб, ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ҳар томонлама таномиллаштиришда ҳамда ўз аъзоларига нисбатан талабчанлигини тобора кучайтирмоқда. Коммунистлар эса ўз партиявий бурчиларини ва юксак жавабгарликларини чуқур ҳис этганлари ҳолда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида шахсан намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Партия сафларининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенциясининг илгор кишилари ҳисобига ўсиб бораётганлиги илҳомдор ҳалқимизнинг Коммунистик партияга меҳр-мухаббатини, ишончини ва чекизи сadoқатидан далолат бериб турибди.

Ўтган икки йил мобайнида областимиз партия ташкилотларида коммунистлар сонини 7637 кишига кўпайди, унинг сифат состави бирмунча яхшиланди. Партия сафига қабул қилинганлар орасида ишчилар ва колхозчилар анча кўпчилигини ташкил қилди.

Партия сафларининг ўсиши ва унинг ишлаб чиқариш илгорлари ҳисобига янада мустақамлашиб бориши гоёт қувончлидир. Шу билан бирга, бу, бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар партия комитетлари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини яхшилашга, улардан партия ва ҳалқ ишига содиқ, марксизм-ленинизм идеяларига чекизи берилган, актив принциплар, ташаббусдор, ҳамма омманинг олдинги сафига боровчи кишиларни тайёрлашга даъват этилгандилар. Шундай экан, ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари билан жиддий шуғулланиш, улар тўғрисида ғамхўрчилик кучайтириш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

КПСС XXI съезидан кейин ўтган давр ичида областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари ёш коммунистлар билан ишлашни анча яхшиладилар, улар ўртасида гоёяй-тарбиявий ишларни кучайтирдилар, КПСС аъзолари ва партия аъзоллигига кандидатларининг ишлаб чиқаришда бевоисита иштирок этишларини таъминламоқдалар. Тошкент шаҳар Ленин районидagi бир катор партия ташкилотлари, жумладан Октябрь революцияси номи телловозавон ремонт заводи партия комитетини ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини яхшилаб, уларни ҳозирги куннинг конкрет амалий вазифаларини бажаришга кенг жалб этмоқда. Завод партия ташкилоти 1959 йилда ишлаб чиқариш илгорларидан 50 дан ортиқ кишини партия сафига қабул қилди. Уларни гоёяй жиҳатдан тарбиялаш масалалари билан мунтазам шуғулланилмоқда. КПСС XXI съезиди қаида лециялар уюштирилмоқда. Кенсa коммунистлар улар билан суҳбатлар ўтказиб турадилар. Шу нарсани мамнуият билан қайд қилиб ўтиш керакки, ёш коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Масалан партия аъзоллигига кандид

дат ўрқон Н. Версткий коммунистик меҳнат коллективини уювонини олиш учун курашаётган бригадого моҳирлик билан бошчилик қилмоқда.

Лекин айрим шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига қонидарли раҳбарлик қилмаётганлар, партия сафини ишлаб чиқариш илгорлари ҳисобига ўстириш, ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари билан етарли шуғулланмаётганлар.

Ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасидagi характерли камчиликлардан бири шуки, уларнинг баъзиларида ҳатто партия топшириқлари ҳам берилмайди. Натижада кандидатларнинг анча қисми КПСС аъзоллигига ўтиш учун етарли тайёргарликка эга бўлмай қолмоқда. Чунинки, Чиноз районидаги бир кенча партия ташкилотларида кандидатлик стажини ўтиб кетганлар сонини кўп. Ёш коммунистларнинг бир қисмига конкрет партия топшириқлари берилмаган, улар жамоат ишларига жалб этилмаганлар, Калинин районидagi 26 партия ташкилотларида 1959 йил мобайнида партия сафига бирорта ҳам кишининг қабул қилинмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Маълумки, кандидатлик стажини бўлажак партия аъзоси учун жиддий синовдир. Бу давр ичида у партия ҳаётига актив иштирок этиши, чиниқчи, конкрет топшириқларини ишчилик билан бажариши, интизомли бўлиши ва КПСС уставига қатъий риоя қилиши керак. Партия ташкилотларининг вазифаси — КПСС аъзоллигига кандидатларнинг ўз қобилиятларини кўрсатишлари, сиёсий савияларини ва меҳнат маҳоратларини оширишлари, ерда беришдан, улар учун партия XXI съезиди материаллари ва КПСС уставини ҳақида мунтазам равишда лекция, суҳбатлар ўтказиб туришдан иборат.

Ёш коммунистларнинг сиёсий ноҳиядан чиқитириш, улар билан кун сайин индивидуал шуғулланиш, гоёяй-назарий ва умумий маълумотларини, илгорли активликларини ошириш тўғрисида тинчмай ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган резолюциясида таъкидлаб кўрсатилганлик, ёш коммунистлар билан ишлаш савиясини тинчмай юксалтириб бориш, уларни бошланғич партия ташкилотлари ишида актив қатнашшига жалб этиш, уларнинг гоёяй-сиёсий савиясини узлуksиз ошириб бориш зарур.

Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир ёш коммунист ўз партия ташкилоти томонидан қилинаётган ғамхўрлик, актив ёрдам ва талабчанликни ҳамма чўқур ҳис этиб турсин. Коммунистик партия аъзолигига ҳос аъзойиб ҳислатларининг ҳаммасини тезроқ эгаллаб олсин, ўзининг бутун куч ва билиминини ҳалқ бахт-саодати йўлида қилинаётган улуғвор ишларга бағишласин. Коммунистик ҳуриятнинг етти йиллик программасини муваффақиятли бажариш манфаатлари шуну талаб қилади.

СОВЕТ-БИРМА ҚЎШМА АХБОРОТИ

Бирма Иттифоқи ҳукуматининг тақлифига мувофиқ, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Индонезияга бораётиб, 1960 йил 16 февралдан 18 февралгача дўстлик визити билан Бирма Иттифоқида бўлди. СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Маданият министри Н. А. Михайлов, Чет эллар билан маданий алоқалар Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Олий Советининг депутати Т. У. Улжабоев, Озарбайжон ССР ташқи ишлар министри Т. А. Товрова, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг аъзоси А. М. Марков, СССРнинг Бирма Иттифоқидаги аъзоси А. М. Ледовский Ц. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Бирма Иттифоқининг Бош министри генерал Не Вин ҳар иккала мамлакатнинг қизиқтираётган масалалар юзасидан, шунингдек ҳалқаро миқёсда энг зарур баъзи масалалар юзасидан эркин ва ошкора фикр олиниш учун ана шу визит натижасида ву-жуда келган имкониятдан фойдаландилар.

Фикр олиниш гоёт самимий ва-зиятда ўтди.

Ҳар иккала давлат арбоблари хурсандчилик билан шу нарсани қайд қилдиларки, Совет Иттифоқи билан Бирма Иттифоқи ўртасидаги қизиқтираётган масалалар юзасидан, шунингдек ҳалқаро миқёсда энг зарур баъзи масалалар юзасидан эркин ва ошкора фикр олиниш учун ана шу визит натижасида ву-жуда келган имкониятдан фойдаландилар.

Шу муносабат билан ҳар иккала

мамлакат ўртасида маданий ва илмий алоқани янада мустақамлаш ҳамда ривожлантириш тўғрисида фикр олинишда ва шу мақсадда яқин вақт ичида маданий битим тузиш мақбул эканлиги тўғрисида баъмаслаҳат бир фикрга келинди.

1960 йилда маданий ва илмий алоқа ишларининг ғазоро мақбул программасини ишлаб чиқиш тўғрисида ҳам баъмаслаҳат бир қарорга келинди.

Бирма Бош министри ўз мамлакатини бетарафлик ва ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик сиёсатида содиқ эканлигини яна бир марта таъкидлади.

СССР Министрлар Совети Раиси Совет Иттифоқида Бирма Иттифоқининг ана шу сиёсий йўлига ҳурмат билан қарамоқдалар, бу йўл умумий тинчликни сақлаш ишига илҳомий ҳисса қўшади, деди.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошчилари ёлпасига куросаланиш ҳозирги кунда жаҳон олдига турган энг муҳим масала деб ҳисоблайдилар, чунки бу масалани беҳад қўй этилиши ўзининг оғир оқибатлари билан инсониятга таҳдид қилаётган яқин уруш ҳавфини йўқотибгина қолмай, балки ҳозирги вақтда куросаланишга сарф бўлаётган беҳад кўп ресурслардан бутун дунё халқларининг турмуш даражасини ва ҳуусан иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар халқларининг турмуш даражасини кўтаришнинг илҳомий энг муҳим вазифаси ҳал этиш учун фойдаланиш имконини ҳам беради.

Улар шу нарсани қайд қилдиларки, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ёлпасига да батамом куросаланиш тўғрисида яқинда қилинган тақлиф бунут дунёни қизиқтирди. Улар бу тақлиф куросаланиш юзасидан яқинда ўтказиладиган музокара-ларда гоёт пухта қараб чиқилиши лозим бўлган мақбул бир тадбир, деб ҳисоблайдилар. Бирма Иттифоқи Совет Иттифоқининг куросаланиш кучлари ақинда қисқартирилганлиги керакли йўлда қўйилган муҳим қадам

деб ҳисоблаб, бу тадбирларни табириклиди.

Ҳар иккала давлат арбоби, ядро куросаланишга эга бўлган буюк давлатларнинг ҳаммаси яқин келгусида самарали халқаро кузатиш ва контрол ўрнатиш асосида ядро куросаланиш сиёсатини таъминлаш тўғрисида бир битимга келадилар, деб умид қилганликларини ҳам билдирдилар. Улар шундай битимга келиш арафасида ана шу давлатларнинг ҳаммасини, шунингдек бошқа мамлакатларнинг югорида айтиб ўтилган синовлардан ўз ихтиёрлари билан тийилиб туришга қаҳридилар.

Ҳар иккала давлат арбоби юксак доирада ўтказиладиган кенгаш музокара-ларда олиб бориш ва ҳамжиҳатлик руҳи билан суғорилди ва бу музокара-лар илҳомий натижалар беради, деб умид билдирдилар. Улар халқаро майдонда ҳужм сураётган ҳозирги тийилиб туриш вазиятини сақлашда ва пароваришда бутун дунё учун адолатли ҳамда мустақам тинчлик бағишлайди, деб ишон-ганликларини ҳам билдирдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Арзани мақбрасини зиёрат қилиб, Бирманинг ҳалок бўлган раҳбарлари қабрига гулчамбар қўйиш имкониятидан ҳам фойдаланди. Совет ҳукуматининг бошлиги ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо қилинаётган икки ишоот—Раунгун районидagi технология институтини ва меҳмонхона қурилишини кўздан кечириш имкониятидан ҳам фойдаландилар.

Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг 1960 йил 18 февралдаги визити ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни мустақамлаш ишига қўйилган ва халқаро ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик ишига қўйилган муҳим ҳисса бўлди. Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошчилари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқни чиниқтириш ва янада кўпроқ мустақамлашга қатъий қарор берганликларини таъкидладилар.

Н. С. Хрушчевнинг Индонезияда бўлиши

ЖАКАРТА, 18 февраль. (ТАСС махсус муҳбири). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бутун расмий визит билан Индонезия Республикаси президенти Сукарно нутқ сўзладилар.

Президент Сукарно шу кунёқ Мердека саройида Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди. Зиёфат вақтида президент Сукарно ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

ЖАКАРТА, 19 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бутун эрталаб Жакарта шаҳридаги Мустақиллик монументига гулчамбар қўйдилар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари «Калибата» қаҳрамонлар қабристонини зиёрат қилдилар. Н. С. Хрушчев бу ерда ҳам гулчамбар қўйди.

Туш вақтида Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқининг ёрдами билан Жакартада қуриладиган янги стадион майдонида бўлидилар. Қоққ қоққ маросими олдидан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Индонезия президенти Сукарно нутқ сўзладилар.

Президент Сукарно ўз нутқида Совет Иттифоқининг бераётган ёрдам учун, жумладан кредит берганлиги ва шу стадион қурилишига техника ёрдами учун Совет ҳукумати ва шахсан Н. С. Хрушчевга Индонезия ҳукумати ва халқ номидан ташаккур изҳор қилди.

Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб нутқида стадион қурилиши ўз вақтида тугалланиши учун ҳамма чоралар қўрилади, деб ишонттирди.

Н. С. Хрушчев бутун дунёда тинчлик шарафига, Индонезия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик шарафига табрик сўзлари айтиб ҳамда турмуш даражасини ошириш учун курашда муваффақиятлар тилади.

Стадиондаги қоққ қоққ маросимдан кейин Н. С. Хрушчев ва президент Сукарно автомашинага тушиб, Богор шаҳрига томон йўл оладилар.

Жакарта аҳолиси Совет ҳукумати бошчилиги хурсандчилик билан табириклиди. Н. С. Хрушчев тушган ма-шина ўтиб борган кўчаларнинг икки томонида шаҳарнинг ўн мингларча аҳолиси тўпланган эди. Улар ҳурматли совет меҳмонини «Хидуп—Хрушчев» (Ясасин Хрушчев), «Хидуп—Хрушчев» (Ясасин Хрушчев), «Хидуп—Хрушчев» (Ясасин Хрушчев) деган хитоблар билан табириклиди.

ТУРСУНОЙ ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ



А. Холиқов чизган расм.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

